Journal of Innovations in Social Sciences
Volume: 01 Issue: 05 | 2021
ISSN: 2181-2594

Малака Ошириш Таълим Тизимида Ислоҳотлар: Инновацион Ғоялар

Педагогика фанлари доктори, профессорШ. Э. Қурбонов
едагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти

Л.Х.Гаффаров
дагогик инновациялар, касб-ҳунар таълими бошқарув ҳамда педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти таянч докторанти

Copyright (c) 2021 Author (s). This is an open-access article distributed under the terms of Creative Commons Attribution License (CC BY).To view a copy of this license, visit https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/

Journal of Innovations in Social Sciences
Volume: 01 Issue: 05 | 2021
ISSN: 2181-2594

Бугунги кунда профессионал таълим муассасаларида тайёрланаётган мутахассисларнинг назарий билими ва амалий тажрибаси-малакаси иш берувчининг талабларига, меҳнат бозорида рақобатбардошлилигига мувофиқ бўлиши талаб этилмоқда.

Давлат томонидан профессионал таълим тизимига қўйилаётган талабларни амалга ошириш **ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН**ни барпо этиш, давлатимизни дунё миқёсида ўз муносиб ўрнини эгаллашини таъминлаш, етук шахс, рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш олдимизда турган энг муқаддас, бажарилиши лозим бўлган вазифадир.

Ушбу мақсадда профессионал таълим тизимда етук касбкорликка эга бўлган, ривожланиб бораётган ишлаб чиқаришнинг ўрта бўғинли мутахассисларга бўлган эҳтиёжини ва талабларни қондира оладиган тизимнинг шаклланишида малака ошириш жараёнининг тубданянгиланишини тақазо этмоқда.

Бу борада, албатта, ривожланган хорижий давлатларнинг тажрибаси, эришган ютуқларини чуқур ўрганиш, илмий тадқиқ этиш ва қўлланиш имкониятларини кўриб чиқиш лозимдир.

Таълим сифатини кўтариш, рақобатбардош мутахассисларни тайёрлаш учун авваламбор, профессионал-ўқитувчиларни, таълим усталарини тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш зарур вазиятларда қайта тайёрлаш, стажировкадан ўтказиш талаб этилади.

Ҳозирги кунда малака ошириш тизимининг ўрни, мақсади ва аҳамияти сезиларли даражада ўсди. Ишлаб чиқариш корхоналарининг талабгорлиги тубдан ўзгаради. Шу боис, биз янги малака ошириш тизимини жорий этишимиз зарур бўлади.

Профессионал таълим турида жорий этилаётган табақалаштирилган таълим тизими учун мос равишда таълим стандартлари ва тааллуқли таълим дастурларини яратиш **“дуал”** тизимини таълим жараёнига тадбиқ этишга қодир бўлган таълим тизими бошқарув ходимлари ва ўқитувчиларни малакасини ошириш давлат талабидир.

Бошқарув ходимлари, ўқитувчи ва касб-таълим усталарининг малакасини замон талабига етказмас эканмиз олдимизга қўйган мақсадларга эриша олмаймиз.

Таълим муассасаси нуфузи,рейтингиниг ошиши, дунё миқёсида тан олиниши, битираётган мутахассисларининг талабгорлиги (рақобатбардошлиги) ҳам бевосита фаолият кўрсатаётган профессор-ўқитувчиларнинг малакаси, илмий-амалий салоҳиятига бевосита боғлиқдир.

Олдимизда турган барча вазифаларни ҳам инобатга олган ҳолда айтиш лозимки, энг муҳим масала профессионал таълим тизимида рақобатбардош мутахассисларни тайёрлашда етук профессор-ўқитувчиларни талаб даражасида тайёрлаш лозим.

Мазкур масалани амалга оширилишида малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимининг барча ходимларини биргаликдаги ягона мақсаддаги фаолияти талаб этилади.

Малака ошириш таълим жараёнида **Массив очиқ таълим курсларини (МООК) ташкил этиш**орқали юқори салоҳиятга эга (белгиланган индикаторлар асосида) педагоглар учун**дистанцион малакаошириш тизимини**жорий этиш;

профессионал таълими муассасалари раҳбар вапедагоглари малакасиниошириш вақайта тайёрлашнинг **янгивертикал тизимини**, яънитизим ходимларинингмалакаошириш жараёнида кутиладиганнатижабилан боғлаш, малака ошириш курсларига жалбэтишдан бошлаб,

Copyright (c) 2021 Author (s). This is an open-access article distributed under the terms of Creative Commons Attribution License (CC BY).To view a copy of this license, visit https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/

Journal of Innovations in Social Sciences
Volume: 01 Issue: 05 | 2021
ISSN: 2181-2594

уларнингкасбий, педагогиквабошқарув салоҳиятинибаҳолаб **тоифаларбелгилашгақаратилганягонатизимни**жорийэтиш;

малака ошириш тизимига раҳбар вапедагог кадрларни қабул қилинишида тингловчиларнинг **малакадаражаси диагностикасини** амалгаошириш, диагностика натижасида етарлибилимга эгабўлмаган соҳалар бўйича қўшимча **масофавий қисқа курслар** ташкил этиш;

касбий ўсиш вамустақил малакаошириш (портфолио) бўйича амалга оширилган ишларбилан уйғунлаштирилган ҳолда ҳамда диагностика натижаларини, кадрларнинг малака оширишга бўлган эҳтиёжини инобатгаолиб **табақалаштирилган курсларташкилэтиш**. Курсларниташкилэтишда дастурларни танлаболиш, индивидуаллик ва табақалаштириш имкониятларини олдиндан гуруҳларни шакллантириш асосида амалга ошириш;

касб-ҳунар коллежлари ҳамда ўқув-ишлаб чиқариш мажмуалари раҳбарва педагог кадрлари малакасиниошириш вақайта тайёрлаш курслари ўқув режава дастурларини, ўқув-методик мажмуаларини доимийравишда янгилаш асосида такомиллаштириб бориш, дарсликваўқувқўлланмалар, электрон**ахборот таълимресурслари ишлабчиқиш;**

малака ошириш вақайта тайёрлаш таълим жараёнига **инновацион** таълим ва **ахборот коммуникация технологияларини** жорийэтиш, ўқувмашғулотларида семинар-треннинглар, Ахборот технологиялари ва бошқа **интерфаол** услубларидан кенгфойдаланиш;

тассарруфида касб-ҳунар коллежлари бўлган тегишли вазирлик, идораваташкилотлар билан ҳамкорликда малака ошириш натижалари асосида педагогларга **малакавийтоифалар** белгилаш тартибини ишлабчиқиш ва жорий этиш;

малакаоширишкурслари таълимдастурларини такомиллаштириш, таълим модулларини оптималлаштириш, модулларбўйича ўзлаштиришни **баҳолаштизимини** тубданянгилаш, баҳолашнинг турли шаклларини (**тест, ассисмент, реферат, педагогик амалиёт, амалиёт** ва бошқалар) қўллаш ва топшириқлар бўйича **баллар тўплаб** бориш асосида ташкил этиш;

малака ошириш ва қайта тайёрлашнинг самарали бўлган **“Устоз-шогирд”, “Якка тартибда баллар тўплаб бориш”, “Масофавий таълим”** шакл ва услубларини жорий этиш. Тизим ходимларининг **ишдан ажралмаган** ҳолда малака оширишини таъминлайдиган шакллардан кенг фойдаланиш;

педагогларнинг малака ошириш курсларини ўтиш оралиғида касбий ўсиш ва малакаларини ошириш шахсий режаларини жорий этиш ҳамда маълумотлар базасига киритилиши натижасида ходимлар портфолиосини шакллантириш. Узлуксиз малака оширишни йўлгақўйиш (**семинарлар, видеоконференциялар, масофадан ўқитиш, амалий машғулотлар ўтказиш, онлайн фикр алмашиш** ва бошқалар);

малака ошириш курслари учун **амалиёт базаларини яратишнинг меъёрий-ҳуқуқий асосини яратиш,** тааллуқли йўналишлар бўйича замонавий ишлаб чиқариш корхоналарини ва етакчи касб-ҳунар коллежларини **треннинг базалари** сифатида бириктириш. Амалиёт ўқитишнинг интерактив услубларидан фойдаланиш;

катта ёшдагилар таълимининг меъёрий-ҳуқуқий, илмий-услубий асосларини ишлаб чиқиш, **андрогика тамойилларини малака ошириш ва қайта тайёрлаш ўқув жараёнига жорий этиш,** жойларда катта ёшдагилар таълимини ташкил қилувчи **“андрогоглар”** тайёрлаш;

малака ошириш тизимини бошқаришда ҳамда таълим жараёнини ташкил этишда ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш ҳамда **электрон мониторинг ва назорат**

Copyright (c) 2021 Author (s). This is an open-access article distributed under the terms of Creative Commons Attribution License (CC BY).To view a copy of this license, visit https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/

Journal of Innovations in Social Sciences
Volume: 01 Issue: 05 | 2021
ISSN: 2181-2594

тизимини жорий этиш, тизимдаги педагог кадрларнинг ягона ахборот базасини шакллантириш ва уларнинг касбий ўсиш ва мустақил малака ошириш маълумотлари мониторингини юритиш;

Бошқарув кадрлар заҳирасини шакллантириш, мақсадли тайёрлаш ва жойлаштириш тизимини жорий этиш. Ижодий, фидоий ишчанлик ҳамда бошқарув фаолиятининг ўсиш босқичларини аниқлаган ҳолда **педагогларнинг касбий карьерасини таъминлайдиган механизм** ишлаб чиқиш;

- малака ошириш жараёнида **тажриба алмашиш,** жумладан, хорижий тажрибалардан кенг фойдаланган ҳолда таълим самарадорлигини ошириш, бунда интернет **ижтимоий тармоқлари** имкониятларидан мақсадли фойдаланиш;
- педагоглар малака ошириши натижадорлиги **тизимда салоҳиятли педагоглар салмоғининг кўтарилиши билан баҳоланади.** Педагоглар малака ошириш жараёни билан доимий равишда боғлиқликда бўлишлари талаб этилади. Дарс берадиган фан ва касбий компетенцияларини такомиллаштиришга бўлган эҳтиёжига мувофиқ **мустақил равишда малака оширишлари лозимдир.**

Бошқарув (раҳбар) ходимлар ва ўқитувчиларнинг малакасини ошириш жараёнини қуйидагича (модул) тизимлаштириш мумкин:



Copyright (c) 2021 Author (s). This is an open-access article distributed under the terms of Creative Commons Attribution License (CC BY).To view a copy of this license, visit https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/

Journal of Innovations in Social Sciences
Volume: 01 Issue: 05 | 2021
ISSN: 2181-2594





Copyright (c) 2021 Author (s). This is an open-access article distributed under the terms of Creative Commons Attribution License (CC BY).To view a copy of this license, visit https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/

Journal of Innovations in Social Sciences
Volume: 01 Issue: 05 | 2021
ISSN: 2181-2594





Copyright (c) 2021 Author (s). This is an open-access article distributed under the terms of Creative Commons Attribution License (CC BY).To view a copy of this license, visit https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/

Journal of Innovations in Social Sciences
Volume: 01 Issue: 05 | 2021
ISSN: 2181-2594

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар махкамасининг "Профессионал таълим муассасаларининг бошқарув ҳамда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2021 йил 26 февралдаги 106-сонли Қарори
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида касбий малакалар, билим ва кўникмаларни ривожлантириш миллий тизими фаолиятини ташкил этиш чоралари тўғрисида” 2020 йил 15 майдаги 287-сонли Қарори
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Малакаларни баҳолаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 31 декабрдаги ПҚ-4939-сонли Қарори
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2019 йил 6 сентябрдаги ПФ-5812-сон Фармони
5. Ш.Қурбонов, Э.Сейтхалилов. “Таълим сифатини бошқариш”

Copyright (c) 2021 Author (s). This is an open-access article distributed under the terms of Creative Commons Attribution License (CC BY).To view a copy of this license, visit https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/